ОТКРЫТИЕ КОКАНД-НАМАНГАНСКОЙ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ

Ушбу 7-июлда Наманган оташ ароба йўли битиб, они очилганлигига шукрона байрами бўлубдур. Шул куни соат бирга Хўканд истансиясига боёнлардин йигилиб, Наманганга борадургон поезни кўб зийнатлар бериб, ул жойда дуо ва фотихалар килиб, ул йўлни(нг) биносига сабаб бўлган одамларни хам хакларига дуо килиб бўлуб, мазкур ясатулганни олиб келиб сийр тортиб кўйган лентани кесиб, анинг устига «Наманганга салом!» деб ёзган ёзувни вокзолга рўбарў килиб, ул поезга Наманганга шукрона байрамга борадургон одамлар тушуб, алохида чиройлик килган, устига «Яхши соатда!» деб ёзган дарвозадин поез ўтиб, Намангонга караб жўнаб, ўшал аснода фотографлар ва хам алохида чикарилган синимотограф ўшал ерда хозир бўлуб, тасвирларини олиб турибдур. Ул поез Чуст истансияга расми юришда юруб бориб, андин кейин Сирдарёга кўб харажатлар билан бино килган ёгоч кўфрикдин ўтуб, ул йўлларда кўб жойларда кўб чукур жойларга кўфрик солиб, хусусан, икки чукурлик жойга бири саккиз саржин, бири ўн икки саржин жойга кўфрик солиб, бул икки кўфрик ул йўлни тезлик билан битмасликга сабаб бўлубдур. Мазкур поез Чуст ва Тўракўргон истансияларига келганда, кишлок фукаролари тарафлариндин мутасаддилар карши чикиб, нон-туз ушлаб, Чуст мутасаддилари Фаргона области жаноб военный губернаторини ноибларидин хукуматдорлардин тўсукка хам оташ аробани тезлик бирлан келмогига ионат кўрсатмокликни илтимос килибдурлар ва хам ўз тарафларидин беокча ул оташ ароба кераклик ерларни бермокликга ваъда килибдурлар. Поез Наманганга келгандин кейин истансага нихоятда кўб сартиялар йигилиб, атрофдин, кишлоклардин умрида оташ аробани кўрмаган одамлар келиб, ул оташ аробани биринчи маротаба кўруб хайрон колиб, поез келаётган вактда ок саллалик одамлар адади нихоятда кўб 25000—30000 га етибдур. Наманганга етиб дуо ва фотиха кила бошлаганда, ул кўб хужум бўлган сартияларни политсиялар машаккатлар бирлан таркатиб, чеккаларга чикорибдурлар. Поез тўхтаган жойда Наманган тарафдин кўб зийнатлик дарбоза килинуб, ул дарвозани гилам ва байроклар бирлан зийнат килинуб «Хуш келдилар!» деган сўзни ёзиб кўйилган экан. Келган мехмонларни наманганлик мутасаддилар кўб яхши карши олиб, хозирда битмаган вакзал якинида беш адад одамга дастурхон тайёр килиб, зиёфат килиб, кўб ажойиб мушаклар хам тайёр килинган экан. Икки нафар аскария музиканлар нагма чолиб турубдурлар. Ул нагмагарларни бири Хўканддин поез бирлан йўлларда машк килиб келибдур. Зиёфат таом вактида ўлтурган одамлар кўб куллуклар этиб, ул баланд даражалик Туркистон генерал губернатори отлик аскарларни гинирали Самсўнуф жанобларидин муборакбод килиб юборган телегромни ўкубдурдилар ва ул темир йўлни биносига ва тараддуд килган одамларни саломатликларини ва Туркистон вилоятини ободончилигини тилабдурлар ва яна кўб адад муборакбод килиб юборган телегромлар ўкулибдур.

Шул тарика килиб, Наманган шахри ул биринчи поезни карши олмокликга харажатни

аямабдурлар ва соат 4 да эрта бирлан Намангандин ул поез Хўкандга караб борган мехмонларни олиб жўнаб, соат 8 да Хўкандга келибдур.

Туркистон вилоятининг газети, 1912 йил, 54, 15 июль